



Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни
тайёрлаш ва қабул қилиш қоидалари.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар
матнларининг тарқатиш ҳамда үлар
юзасидан зарур тушунтиришларни олиб
бориш

Муротов Журабек Сафарович

Соҳани тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

1

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 20 апрелдаги ЎРҚ-682-сон "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги Қонуни

2

"Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш Қоидалари" (рўйхат рақами 2565, 2014 йил 28 февраль)

3

Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон "Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори

4

Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 19 майдаги 197-сон "Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг меъёрий ҳужжатларини қабул қилиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида"ги Қарори

ИДОРАВИЙ НОРМАТИВ-ХУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТ

Вазирлик, давлат қўмитаси ва идора томонидан белгиланган тарзда қабул қилинган, умум мажбурий давлат кўрсатмалари сифатида ҳуқуқий нормаларни белгилашга, ўзгартиришга ёки бекор қилишга қаратилган расмий ҳужжат тушунилади



Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ўзига хос хусусиятлари



- 1** Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар фақатгина ваколатли **вазирлик ва идоралар томонидан қабул қилинади**
- 2** Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар **буйруқ ёки қарорлар (қўшма қарорлар) тарзида қабул қилинади**
- 3** Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар уларнинг амал қилиш муддатидан (доимий ёки вақтинча) ҳамда улардаги маълумотларнинг хусусиятидан қатъи назар, Адлия вазирлигида **ҳуқуқий экспертиза ва давлат рўйхатидан ўtkaziladi**
- 4** Вазирлик ва идораларнинг буйруқлари, қарорлари бошқа вазирликлар, давлат қўмиталари ёки идоралар билан **келишилган ҳолда қабул қилиниши мумкин**
- 5** Вазирлик ва идораларнинг таркибий бўлинмалари ҳамда ҳудудий органлари (вилоят, туман, шаҳар) идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиши мумкин эмас
- 6** Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш, келишиш, қабул қилиш, ҳуқуқий экспертиза ва давлат рўйхатидан ўтказиш **фақат Project.gov.uz орқали** амалга оширилади, бундан давлат сири ҳамда маҳфий маълумотларни ўз ичига олган ҳужжатлар мустасно.





Бүйрүқлар вазирлик ва идора номидан қарор қабул қилиш якка тартибда амалга ошириладиган вазирлик ёки идоралар раҳбарлари томонидан қабул қилинади

Қарорлар давлат қўмиталари ва идоралар номидан қарор қабул қилиш коллегиал органлари томонидан амалга ошириладиган давлат қўмиталари ёки идоралар томонидан қабул қилинади



ИДОРАВИЙ НОРМАТИВ-ХУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР


Вазирликлар, давлат құмиталари ва идоралар
томонидан қабул қилинади

Фуқароларнинг ҳуқуқлари, әрқинликлари ва қонуний
манфаатларига дахл қиласы


Қабул қилувчи ташкилот тизимиға кирмайдиган
бошқа ташкилотлар учун мажбурий күчга эга бўлади

Идоралараро (умум мажбурий) тусга эга
хуқуқий ҳужжатлар







Юқорида қайд этилган белгиларга эга ҳужжатлар идоравий норматив-хуқуқий ҳужжат сифатида давлат рўйхатидан ўтказилиши шарт



Давлат рўйхатидан ўтказилмаган идоравий норматив-хуқуқий ҳужжатлар хуқуқий оқибатларга олиб келмайди ҳамда уларни бажармаганлик учун жазо қўллашга асос бўлмайди



Тадбиркорлик масалаларини тартибга соладиган расмий веб-сайтларда эълон қилинмаган идоравий норматив-хуқуқий ҳужжатлар талабларини бузганлик учун тадбиркорлик субектларига жавобгарлик чораларини қўллаш тақиқланади




Ҳужжатнинг давлат рўйхатидан ўтказиш тартиб рақами ва санаси кўрсатилмаган ҳолда тарқатилиши ва эълон қилиниши тақиқланади

БУ БОРАДА АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИГА ҚУЙИДАГИ ВАКОЛАТЛАР БЕРИЛГАН:


- ▶ 10 кун ичида бажарилиши мажбурий бўлган тақдимнома киритиш
- ▶ Давлат рўйхатидан ўтказилмаган ҳужжатларни бекор қилиш, бузилган ҳуқуқларни тиклаш, етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги даъволар билан суд органларига мурожаат қилиш
- ▶ Айбдор мансабдор шахсларни тегишли жавобгарликка тортиш масаласини Ҳукумат олдига қўйиш

Фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахл қилиши




•Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат фуқароларда муайян ҳуқуқ ёки мажбурият пайдо қилиши ёхуд уларга нисбатан жавобгарлик қўлланилишига асос бўлиши мумкинлиги

Мисол учун:



•Маъмурий қамоққа олинган шахслар маҳсус қабулхонада сақланиш даврида бир маротаба ўзи билан сақлаш тақиқланмаган озиқ-овқат маҳсулотлари ва энг зарур нарсаларни сотиб олиш ҳуқуқига эга

Идораларо (умум мажбурий) тусга эгалиги



•Қабул қилинган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар, шунингдек идоравий мансублиги ва мулкчилик шаклидан қатъий назар барча корхона, ташкилот ва муассасалар учун мажбурийлиги ҳамда уларга риоя этилиши

ДАВЛАТ РҮЙХАТИДАН ЎТКАЗИЛМАЙДИГАН ҲУЖЖАТЛАР

Бундай ҳужжатлар тоифасига киритиш

Адлия вазирлиги томонидан амалга оширилади

1

Техник регламентлар

2

Стандартлаштиришга доир норматив
ҳужжатлар

3

Санитария, ветеринария, ветеринария-
санитария, фитосанитария нормалари ва
қоидалари

4


Шаҳарсозлик, экологик нормалари ва қоидалари;

5

Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги бошқа
ҳужжатлар

Хуқуқий
экспертиза

Ҳисобга олиш



**ДАВЛАТ РҮЙХАТИДАН
ЎТКАЗИЛМАЙДИГАН
ХУЖЖАТЛАР**

Якка тартибдаги ҳужжатлар

6

**Муқаддам белгиланган тартибни ижро этишини ташкил этишга
йўналтирилган ҳамда янги ҳуқуқий нормаларни ўз ичига олмаган
ҳужжатлар**

7

Тавсия хусусиятига эга ҳужжатлар


8

**Идоравий норматив-хуқуқий ҳужжатларга расмий шарҳ
бериш тўғрисидаги ҳужжатлар**

9

**Умум мажбурий тусга эга бўлмаган
бошқа ҳужжатлар**

10




**Идоравий норматив-хуқуқий
хұжжатларға қўйиладиган талаблар**

**Мамлакатда үтказилаётган
ислоҳотларнинг
мақсад ва вазифаларига мослик**

**Қонунчилік ҳужатларига
мувофиқлик**

**Қонунчилік техникаси
қоидаларига мувофиқлик**





O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 3308
2021 - yil 09 - iyun

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БҮЙРУГИ

Тошкент давлат юридик университети кошидаги академик лицейнинг битирувчиларини
Тошкент давлат юридик университетига якка тартибда сұхбат ўтказиш орқали ўқишига
қабул қилиш тартиби түгрисида низомни тасдиқлаш хақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 апреддаги ПФ-5987-сон “Ўзбекистон Республикасида юридик таълим ва фанни тубдан такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар түгрисида”ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 2 июндаги 347-сон “Тошкент давлат юридик университетида кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари түгрисида”ги карорига мувофиқ буюраман:

1. Тошкент давлат юридик университети кошидаги академик лицейнинг битирувчиларини Тошкент давлат юридик университетига якка тартибда сұхбат ўтказиш орқали ўқишига қабул қилиш тартиби түгрисида низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур бўйрук расмий эълон килинган кундан эътиборан кучга киради.


Адлия вазири



Тошкент ш.
2021 йил 09 июнь,
12-мҳсон

Davletov R. K.

**Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар, агар
уларга қонун ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси
Президентининг фармонлари ва қарорлари,
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
қарорлари билан тегишли норматив-ҳуқуқий
ҳужжатларни қабул қилиш ёки ижтимоий
муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш
бўйича ваколатлар берилган бўлса, норматив-
ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиши мумкин**



**Қонун ҳужжатлари деганда, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари тушунилади
(568 ва 208 лойиҳалари)**

**МАЗКУР НОРМАНИ ТАҲЛИЛ
ЭТАДИГАН БЎЛСАК,
ИДОРАВИЙ НОРМАТИВ-
ХУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ
ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА ҚАБУЛ
ҚИЛИШ ШАРТЛИ РАВИШДА
ИККИ ХИЛ КЎРИНИШДА
БЎЛИШИ МУМКИН**

Юқори турувчи норматив-хуқуқий ҳужжатларда ҳужжатни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш бўйича топшириқ берилади

Маълум бир ижтимоий муносабатни тартибга солиш ваколати берилади



**Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг таркибий бўлинмалари ҳамда
худудий органлари норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилишга ҳақли эмас**



ИДОРАВИЙ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ

1

- Қонун ҳужжатлари


2

- Президентнинг фармонлари ва қарорлари

3

- Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари


Идоравий норматив-хуқуқий ҳужжат қабул қилишга ваколат



- Конунчиллик ҳужжатлариға асосан вазирлик ва идораларга идоравий норматив-хуқуқий ҳужжат қабул қилиш ваколати берилган

- Идоралар деганда вазирлик ёки давлат құмитаси ҳисобланмаган, ижро этиш ва (ёки) фармойиш бериш функциялари, шунингдек умумий мажбурий тусдаги меъерий ҳужжатларни қабул қилиш ҳуқуқи берилған давлат бошқаруви республика органлари ёхуд маңсус ваколатлы бошқарув органлари (агентликлар, комиссиялар, марказлар, бошқармалар ва бошқалар) тушунилади

Мисол үчүн:



- Марказий банк;
- Баш прокуратура;
- Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази ва бошқалар.



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 3308
2021 - yil 09 - iyun

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БҮЙРУГИ

Хужжат тури

Рўйхат рақами
ва санаси

Номи

Муқаддима

Тошкент давлат юридик университети кошидаги академик лицейнинг битирувчиларини
Тошкент давлат юридик университетига якка тартибда сухбат ўтказиш орқали ўкишга
қабул килиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш хақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 апрелдаги ПФ-5987-сон “Ўзбекистон
Республикасида юридик таълим ва фанни тубдан тақомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар
тўғрисида”ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажмасининг 2017 йил 2 июндаги
347-сон “Тошкент давлат юридик университетида кадрлар тайёрлаш тизимини янада
тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги карорига мувоффик буюраман:

1. Тошкент давлат юридик университети кошидаги академик лицейнинг битирувчиларини
Тошкент давлат юридик университетига якка тартибда сухбат ўтказиш орқали ўкишга қабул килиш
тартиби тўғрисида низом иловага мувоффик тасдиқлансин.
2. Мазкур буйруқ расмий эълон килинган кундан зътиборан кучга киради.

Лавозим

Адлия вазiri



Davletov R. K.

Тартиб рақам, қабул
қилинган сана ва жойи

Тошкент ш.
2021 йил 09 июнь,
12-мехсон

Исмнинг бош ҳарфи
ва фамилия

Электрон рақамли имзо



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚҮМИТАСИННИГ
ҚАРОРИ

Дастлабки, даврий ва тўлиқ бўлмаган божхона юқ декларацияларини расмийлаштириш тартиби
тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳакида

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг
буйруқлари ҳамда қарорлари бошқа вазирликлар,
давлат қўмиталари ёки идоралар билан
келишилган ҳолда қабул қилиниши мумкин

Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2020 йил 6 июндаги ПФ-6005-сон "Божхона маъмурниятчилигини ислоҳ этиш ва Ўзбекистон
Республикаси давлат божхона хизмати органлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида"ти
Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси қарор килади:

1. Дастлабки, даврий ва тўлиқ бўлмаган божхона юқ декларацияларини расмийлаштириш
тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансан.
2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан кейин уч ой ўтгач кучга киради.

Давлат божхона қўмитаси
расми



Азимов М. Б.

Тошкент ш.
2021 йил 31 марта,
01-02/13-20 сон

Раси



Икрамов А. И.

Тошкент ш.
2021 йил 31 марта,

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат у биринчи
келишилаётган вазирлик ва идора билан
келишилганидан сўнг, ўттиз кун ичida қабул
қилиниши керак.



О'zbekiston Respublikasi
Adliya vazirligida
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 3310
2021 - vil 17 - iyun

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛIGI
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ ХУЗУРИДАГИ ИҚТИСОДИЙ
ЖИНОЯТЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШ ДЕПАРТАМЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

Лотереялар ташкил этиш фаолиятни амалга оширувчи ташкилотлар учун жиной фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий киргин куролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг "Жиной фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий киргин куролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департamenti қарор қилади:

1. Лотереялар ташкил этиш фаолиятни амалга оширувчи ташкилотлар учун жиной фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий киргин куролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидалари I-иловага мувофиқ тасдиқлансан.

2. Айрим идоравий норматив-хукуқий ҳужжатлар 2-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсан.

3. Мазкур карор расмий эълон килинган кундан эътиборан кучга киради.

Молия вазири



Тошкент ш.
2021 йил 17 июнь,
34 сон

Бош прокуратура хузуридаги
Департамент бошлиги



Тошкент ш.
2021 йил 16 изонь,
23 сон

Т. Ишметов

Рахимов Д. Ф.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар томонидан қўшма қарорлар тарзида норматив-хукуқий ҳужжатлар қабул қилиниши мумкин

Бир нечта вазирлик ва идораларнинг қўшма қабул қилган идоравий норматив-хукуқий ҳужжати у биринчи бўлиб қабул қилаётган вазирлик ёки идора томонидан имзоланган санадан бошлаб ўн кун ичida қабул қилиниши лозим

**ИДОРАВИЙ НОРМАТИВ-ХУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТНИ
ДАВЛАТ РҮЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҚУЙИДАГИЛАРНИ
ЎЗ ИЧИГА ОЛАДИ:**

1

Хуқуқий экспертизани

2


**Ушбу ҳужжатни давлат рўйхатидан ўтказиш
тўғрисида хulosा қабул қилишни**

3

**Идоравий норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига рўйхатдан ўтказиш
рақами берилган ҳолда идоравий норматив-хуқуқий ҳужжатнинг давлат рўйхатидан
ўтганлиги тўғрисида маълумот киритишни ва уни Давлат реестрига киритишни**

4

**Идоравий норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига идоравий норматив-
хуқуқий ҳужжатнинг ўз кучини йўқотганлиги тўғрисида маълумот киритишни ва уни
Давлат реестридан чиқаришни**






ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТМАГАН УМУМИЙ МАЖБУРИЙ ТУСДАГИ МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТ

- Тақдимнома киритилади
- «Халқ сўзи» газетаси ва бошқа ОАВда ноқонунийлиги тўғрисида ахборот эълон қилиниши мумкин


Агар вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг мансабдор шахслари давлат рўйхатидан ўтказилмаган норматив-ҳуқуқий тусга эга бўлган ҳужжатни амалга киритса, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 198-3-моддаси, яъни вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг давлат рўйхатидан ўтказилмаган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини амалга киритиш учун маъмурий жавобгарликка тортилади

Маълумот учун: вазирлик ва идораларнинг мансабдор шахслари томонидан 2020 йил давомида давлат рўйхатидан ўтказилмаган 21 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни амалга киритиганлик ҳолатлари аниқланган



**ДАВЛАТ РҮЙХАТИДАН ЎТКАЗИЛМАГАН
НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ТУСДАГИ
ҲУЖЖАТЛАРНИ АМАЛГА КИРИТГАНЛИК
ҲОЛАТЛАРИ ҚУЙИДАГИ УСУЛЛАРИ:**

- Адлия вазирлиги тизимиға қилинган мурожаатлари асосида
- Вазирлик ва идораларнинг идоравий норма ижодкорлиги соҳасидаги фаолиятини ўрганиш давомида
- ОАВ, Интернет ва ижтимоий тармоқлар орқали олинган мълумотлар асосида
- Адлия вазирлигининг ҳудудий бошқармалари томонидан ташкилотларнинг ҳудудий органларида ўтказилган ўрганишларда






**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисидаги низомнинг
12-бандига мувофиқ Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат
қўмиталари, идоралар, ҳуқуқни мухофаза қилувчи ва назорат
органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа
ташкилотларга бажарилиши мажбурий бўлган тақдимномалар
киритиш ҳуқуқига эга**

- давлат рўйхатидан ўтмаган норматив-ҳуқуқий тусга эга бўлган ҳужжатларни бекор қилиш ва ижродан чақириб олиш тўғрисида
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бекор қилиш, тўхтатиб туриш (тўлиқ ёки қисман) ёхуд уларни қонун ҳужжатларига мувофиқлаштириш тўғрисида
- ишлаб чиқиш муддатини кўрсатган ҳолда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш, улар томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга расмий шарҳ бериш зарурлиги тўғрисида

**Идоравий НҲҲ эълон қилиш ва тарқатиш
қуйидаги расмий манбаларда эълон қилинади:**




**«Ўзбекистон Республикаси қонунчилик
тўплами» - «Собрание законодательства
Республики Узбекистан»;**



**Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик
маълумотлари миллий базаси;**



Вазирлик ва идораларнинг расмий нашрлари.



ИДОРАВИЙ НОРМАТИВ-ХУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТ

Расман эълон қилингандан кейин бир кундан кечикмай қабул
қилувчининг расмий веб-сайтида жойлаштирилиши шарт.



Идоравий норматив-хуқуқий ҳужжатни



• Эълон қилиш ва тарқатиша
Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан
ўтказиш **раками ва санаси** кўрсатилиши
мажбурийдир.

• Идоравий норматив-хуқуқий ҳужжатларни
тайёрлаш ва қабул қилиш қоидаларини
қўллашга доир **тушунтиришлар**
Адлия вазирлиги томонидан берилади.



**Эътиборингиз
учун раҳмат!**

